XALQ DEPUTATLARI BEKTEMIR TUMAN KENGASHINING

Q A R O R I

Toshkent 100158, X.Boyqaro ko'chasi, 2-uy. Tel.: (71) 295-02-46, Faks: (71) 231-65-25. www.bektemir.uz

02/28-134 -son 13-Январь 2021-yil

Бектемир туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2021 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 657-сонли ва Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 659-сонли Қонунларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилда Бектемир туманидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ва қўллаш юзасидан Халқ депутатлари Бектемир туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 657-сонли ва Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 659-сонли Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли Фармонининг 1-банди 2-хат бошига мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун даҳа, массив ва маҳалла кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ва қўллаш тартиби жорий этилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур Қонунлар ва Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддаларига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, туман Давлат Солиқ инспексиясининг 2021 йил учун Бектемир туман бўйича юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентлар юзасидан киритилган таклифи маъқуллансин.

3. Қарорга биноан 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартиблар жорий этилсин:

а) юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентлар 1-иловага мувофиқ тасдиклансин;

б) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича мутлоқ миқдорда 1 кв. метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан қўлланиладиган коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, 2021 йилда солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 баробаридан ошмаслиги лозим.

4. Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси **(А.Кадиров)**га:

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 657-сонли Қонунига мувофиқ Халқ депутатлари Бектемир туман Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги “2021 йил учун Бектемир тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 02/27-123-сонли қарорининг 1-иловаси сифатли ижросини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан бюджет даромадлари кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш, қўшимча солиқ захираларани аниқлаш ва солиққа тортиш ҳамда туманни иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарурий чора-тадбирлар кўриш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан халқ депутатлари Бектемир туман Кенгашига хар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 20 санасига қадар маълумот киритиб борсин.

5. Халқ депутатлари Бектемир туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий

комиссияси **(С.Каримов)**, Бектемир туман ҳокимининг биринчи ўринбосари **(Ф.Нигманов)**, Бектемир туман Давлат солиқ инспексияси **(А.Кадиров)**, тумандаги тегишли округлардан сайланган депутатлар ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан белгиланган юридик ва жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун маҳалла кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ва қўллаш тартиби жорий этилганлигини кенг тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларни олиб бориш вазифалари юклатилсин.

6. Бектемир туман ҳокимлиги ва туман Давлат солиқ инспекцияси, мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиқлари бўйича белгиланган ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни туман ҳокимлиги расмий веб-сайти, оммавий ахборот воситалари, газета ва ижтимоий тармоқларда ёритилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Бектемир туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Бектемир туман ҳокимининг биринчи ўринбосари зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Бектемир туман Кенгаши раиси **Ж.Ибрахимов**

Халқ депутатлари
Бектемир тумани Кенгашининг
2021 йил "13" Январь даги
02/28-154 -сонли қарорига
1-илова

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилган коэффициентлар

сўмда

Т/Р	Маҳалла номи	Зона	Коэффициент (0,7 дан 1,3 гача)	Ер солиғи суммаси 2021 йил учун (1 кв.м учун)	Ер солиғи суммаси 2021 йил учун (1 гектар учун)
1.	"Рохат" МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
2.	"Мажнунтол" МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
3.	"Миришкор" МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
4.	"Зилола" МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
5.	"Чашма" МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
6.	"Иқбол" МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
7.	"Абай" МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
8.	"Хусайин Байқаро" МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
9.	"Бектемир" МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
10.	"Олтинтопган " МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
11.	"Нурафшон " МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0
12.	"Бинокор" МФЙ	4	1,20	9 992,4	99 924 225,0
		5	1,20	4 996,2	49 962 113,0

Халқ депутатлари
Бектемир тумани Кенгашининг
2021 йил "13" Январь даги
02/28-134 -сонли қарорига

2-илова

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилган коэффициентлар

сўмда

Т/Р	Маҳалла номи	Зона	Коэффициент (0,7 дан 1,3 гача)	Ер солиғи суммаси 2021 йил учун (1 кв.м учун)
1.	"Рохат" МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
2.	"Мажнунтол" МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
3.	"Миришкор" МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
4.	"Зилола" МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
5.	"Чашма" МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
6.	"Иқбол" МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
7.	"Абай" МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
8.	"Хусайин Байқаро" МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
9.	"Бектемир" МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
10.	"Олтинтопган " МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
11.	"Нурафшон " МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1
12.	"Бинокор" МФЙ	4	1,13	737,1
		5	1,13	533,1

Халқ депутатлари
Бектемир тумани Кенгашининг
2021 йил "13" Январь даги
02/22-134 -сонли қарорига
3-илова

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича зоналар кесимида мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилган коэффициентлар

сўмда

Т/Р	Зона / Худуд класификатори	Коэффициент (0,7 дан 1,3 гача)	Жисмоний шахслар Ер солиғи суммаси 2021 йил учун (1 кв.м учун)	Коэффициент (0,7 дан 1,3 гача)	Юридик шахслар Ер солиғи суммаси 2021 йил учун (1 гектар учун)
1.	1-зона	1,13	*1 348,8*	1,20	*249 810 563,0*
2.	2-зона	1,13	*1 144,9*	1,20	*199 848 451,0*
3.	3-зона	1,13	*940,8*	1,20	*149 886 337,0*
4.	4-зона	1,13	*737,1*	1,20	*99 924 225,0*
5.	5-зона	1,13	*533,1*	1,20	*49 962 113,0*